

## **“Ўзбекистон темир йўллари АЖ Бошқаруви раиси Х.Н. Хасиловнинг Жамият ходимларига мурожаати**

Коррупция миллатнинг, давлат ва жамиятнинг тараққиётига таҳдид эканлиги барчамизга аён.

Шу сабабдан, ҳозирги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Буни охириги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияни олдини олишга қаратилган изчил ислохотлар мисолида кўришимиз мумкин.

Президентнинг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6013-сон Фармониغا асосан, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, устав капитлида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорати тизимини босқичма-босқич жорий этиш вазифаси белгиланган.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Жамиятнинг 26.10.2020 йилдаги 718–Н-сонли буйруғи билан “Комплаенс-назорат бошқармаси” ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилган ва ушбу соҳага оид Жамиятнинг ички назорат ҳужжатлари қабул қилинди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, коррупцияга қарши Жамият ичкарасидан туриб курашиш, салбий оқибатларга олиб келувчи ҳолатларни олдиндан бартараф этилишини таъминлаш ва бундай ҳолатларга йўл қўймаслик ҳамда “Қасални даволашдан кўра олдини олган маъқул” тамойилини амалиётга жорий этиш.

### **Хурматли ҳамкасбалар!**

Коррупциянинг олдини олиш учун фақат ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди, бунинг учун Жамиятимизнинг барча раҳбар ва ишчи ходимларининг онгида коррупцияга қарши тоқатсизлик муносабатини шакллантириш, бу борада соғлом фикрлашни ўргатишимиз зарур.

Шу билан бирга, Жамиятнинг барча масъул ходимлари ўз фаолиятида:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини;
- харидларни режалаштириш ва амалга ошириш жараёнининг қонунийлиги, шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чоралари кўрилишини;
- раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимлар танлаб олинишини таъминлашлари лозим.

Юқоридагиларга кўра, Сиздан, Жамиятнинг барча ходимларини коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатини шакллантиришда фаол иштирок этишга чақираман ва Жамият фаолиятида коррупциянинг ҳар қандай кўринишига дуч келсангиз, зўдлик билан бу ҳақида Жамият раҳбариятига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
бошқаруви раиси**



**Х.Н. Хасилов**